

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАКУЛОВ ХУСАН АНВАРОВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ЖАРАЁНИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавние автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contens of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Джуракулов Хусан Анварович

Ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёни.....5

Джуракулов Хусан Анварович

Процесс формирования экологического правового сознания
молодёжи 19

Djurakulov Xusan Anvarovich

The process of formation of ecological legal consciousness of youth35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАКУЛОВ ХУСАН АНВАРОВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ЖАРАЁНИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal109 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликovich
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хукумов Абдухалим
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ш.С.Кушаков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида вужудга келган глобал муаммолар ечимида “табиат-жамият-инсон” муносабатлари тизими барқарорлигига эришишда устувор вазифаларидан бири – ёшлар ижтимоий-демографик қатламининг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ҳисобланади. Зеро, бугунги дунё ёшлари 2 миллиард кишидан ортиқни ташкил этиб, уларнинг ҳуқуқий онгини, хусусан экологик онгини юксалтиришга мутасадди бўлган ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни ҳаёт тақозо қилмоқда.

Жаҳоннинг бугунги экологик ҳолати замонавий илм-фан доирасида ёшлар экологик ҳуқуқий онгини ривожлантириш ва бу соҳадаги назарий-фундаментал, амалий-методологик асосларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Хусусан, табиат ресурсларидан жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида утилитар эҳтиёжлар ошиши, табиатга антропоген босимнинг кучайиши, халқаро экологик сиёсий муносабатлар кескинлашуви шароитида, айрим фуқаролар онгида табиатга нисбатан нигилистик кайфият шаклланишини, умуман глобал экологик хавфсизликни таъминлаш муаммосини ижтимоий онг тизими таркибида ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришдан ажратилган ҳолда ҳал қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида барқарор экологик вазиятни, табиий атроф-муҳит мусавватлигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган экологик ҳуқуқий онгини ривожлантириш, шунингдек “экология соҳасидаги ишлар аҳволини яхшилаш”¹ бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу сабабли республикада экология соҳасида таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари аҳволини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини, усул-воситаларини такомиллаштириб бориш объектив зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5-устувор йўналиши 5.1 бандидаги (аҳоли генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш) вазифаларни, шунингдек “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармони ва 2018 йил 10 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқида илгари сурилган “БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳамда мазкур фаолиятга

¹Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондириши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 20-21.

тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёнини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги даврда ҳуқуқий онг, шу жумладан, экологик ҳуқуқий онгни юксалтиришга оид назарий-ҳуқуқий муаммоларнинг айрим жиҳатлари Г.З.Абдуллаева, З.М.Исломов, К.Нажимов, Н.Сабуров, Ж.Т.Холмўминов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлса, экологик фаоллик, экологик онг, экологик назорат, экологик маданият ва уларни шакллантиришнинг психологик хусусиятлари, шунингдек ёшларнинг экологик онги ва маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари Ш.К.Абдуқосимов¹, А.А.Ахмедов, Н.Ш.Бозорова, С.Мамашокиров, С.С.Сангинов, А.Хукумов каби эколог ва педагоглар томонидан тадқиқ қилинган.

Экологик барқарорлик, экологик тафаккурни шакллантириш, экологиянинг ҳуқуқий асослари, табиий атроф-муҳит муҳофазаси, экологик ҳуқуқий қонунчилик каби масалалар хорижлик У.О.Дуглас, А.Печчеи, Ж.Б.Рул, Д.Форрестер каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Экологик ҳуқуқий онгни шакллантиришга оид муаммолар МДХ тадқиқотчилари томонидан ҳам ўрганиб келинмоқда. Улар қаторида И.Л.Вершок², Н.А.Джобова, В.В.Дудоров, Н.А.Шеяфетдинова, Е.А.Шишкина ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчилар экологик ҳуқуқий онг феноменини махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганмаган, балки фрагментар тарзда муаммога ёндашган. Шундан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишида экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш ва юксалтириш билан боғлиқ муаммолар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган режанинг “Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий, маданий, мафкуравий муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг фалсафий-назарий муаммоларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

¹ Абдукасымов Ш.К. Формирование экологического сознания студенческой молодежи Узбекистана в условиях независимости. Автореф. дис. ... канд. филос. наук. –Т.:1997, Д.4311/1997.

² Вершок И. Л. Теоретические проблемы формирования экологического правосознания.: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Минск, 2004. – 20 с.

экологик ҳуқуқий онгининг ижтимоий онг шакли сифатидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

экологик ҳуқуқий онгининг таркибий тузилишини аниқлаш ва бугунги экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда унинг функциялари, мазмун ва моҳияти юзасидан муаллифлик хулосаларини ишлаб чиқиш;

экологик ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг замонавий усул ва воситалари методологик тамойилларини кўрсатиб бериш;

экологик ҳуқуқий онгни шакллантиришда экологик ҳуқуқий ахборотнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш механизмида экологик жамоат ташкилотларининг ўрнини кўрсатиш ва уларнинг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда ёшлар экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суриш ва илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти ёшлар экологик ҳуқуқий онги.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини илмий асослаш билан белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, таққослаш, абстрактлаштириш, қиёсий-типологик, факториал таҳлил, социометрик (интервью) каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экологик ҳуқуқий билимлар трансформациясида ахборот таъсирчанлигини оширишда дидактик воситалар, медиа лойиҳалар, уяли алоқа воситаларининг ёшларда экохушёрлик даражасини юксалишига олиб келиши аниқланган;

ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда дифференциал ёндашувни экологик фаоллик, масъулият, бурч сингари сифатлари билан миллий анъана, ҳуқуқий мерос, диний-экологик қадриятлар каби ижтимоий ментал хусусиятларининг диалектик алоқадорлиги асосланган;

ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини ривожлантиришда таълим-тарбия институтлари фаолиятини уйғунлаштиришнинг потенциал имкониятлари (имтиёз, рағбат, ҳамкорлик) соҳадаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан функционал боғлиқлиги очиб берилган;

ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда ғайриэкологик, девиант ҳаракатлар ва нигилистик кайфиятни олдини олиш ҳамда экологик фаолликни рағбатлантиришнинг ҳудудий ва миллий кўникмаларни автоматлаштирилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишнинг натижаларидан давлат органлари, экологик жамоат ташкилотларининг соҳага оид дастурларини ишлаб чиқишда, социологик тадқиқотлар ва фалсафий тадқиқот ишлари жараёнида фойдаланилган;

ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга доир илмий-назарий хулосалар умумлаштирилган ва экологик ҳуқуқий онгни шакллантирувчи усул-воситалар аниқлаштирилган;

“экологик ҳуқуқий онг” феноменининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий университетининг “Социология” ўқув лабораторияси жорий архиви ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, экологик ҳуқуқий онг тушунчаси, функциялари ҳамда экологик ҳуқуқий тартиботни таъминлашда унинг ўрни ва ролига оид янги илмий тушунча ва таърифларни ишлаб чиқишга, шунингдек “Табиатшунослик”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Экология ҳуқуқи” ва “Фалсафа” фанларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, экологик ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, жамиятнинг, айниқса, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ва юксалтиришда давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ҳуқуқий асослари самарадорлигини таъминлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимизда ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёнини ўрганишга оид тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

экологик ҳуқуқий билимлар трансформациясида ахборот таъсирчанлигини ошириш бўйича илгари сурилган илмий, амалий ва методологик ғоялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Аслидай асранг” эфир эшиттириши ва “Dunyo bo’ylab” каналида “Мувозанат” номли махсус кўрсатувнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 5 декабрдаги О’з/Р-1-128-сон ва 2018 йил 6 январдаги 08-14-07-сон маълумотномаси). Бу ёшлар ўртасида экологик ҳуқуқий онгни ривожлантиришга доир илмий, амалий ва методологик ғоялар кенг жамоатчиликка тарқалишига эришилган;

ёшлар экологик ҳуқуқий онгини ривожлантиришда дифференциал ёндашувнинг ижтимоий ментал хусусиятлари бўйича илгари сурилган илмий, методологик ғоялардан Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий Кенгашининг “Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган асосий ташкилий-ҳуқуқий, назорат-аналитик ва амалий тадбирлар дастури ва 2017 йилда дастурий масалаларни самарали амалга ошириш” номли аҳоли ўртасида ўтказиладиган экологик чора-тадбирлар иш режасининг иккинчи – “Атроф-табiiй муҳит масалалари

бўйича қабул қилинган қонунларни ва бошқа давлат ҳужжатларининг амалиётга татбиқ қилинишини таъминлаш бўйича тизимли ишларни жорий қилиш ва ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш ва ривожлантиришда кўмаклашиш” номли бўлимнинг 46-қисми, учинчи – “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ушбу мақсадлар учун бериладиган ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг ижроси юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва бошқа тузилмалар маъсулиятини ошириш” бўлимидаги 75-қисми ва тўртинчи – “Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш” бўлимидаги 81; 83; 86; 89-қисмларида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2017 йил 27 сентябрдаги 09/404-сон маълумотномаси). Бу аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантиришга имконият яратган;

ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда таълим-тарбия институтлари фаолиятини уйғунлаштиришнинг потенциал имкониятлари бўйича келтирилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан иш режанинг 74-бандида белгиланган вазифалар ижросини бажаришда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган экологик тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар жараёнида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 22 июндаги 04-13/3323-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва экологик ҳуқуқий онгини оширишга, шунингдек, Ватанимиз табиатини асрайдиган, атроф-муҳит мусоффолигига тўғри ёндаша оладиган чинакам содиқ ёшларни тарбиялашга имконият яратган;

ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда ғайриэкологик, девиант ҳаракатларни чегаралаш, тақиқлаш ва жазолаш ҳамда экологик фаолиятни рағбатлантиришга оид тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 2-ярим йиллигидаги фаолиятини самарали амалга ошириш тадбирлар дастурининг тўртинчи – “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” номли бўлимнинг 51-банди ва ўн биринчи – “Ижтимоий ҳаётда оммавий ахборот воситалари самарадорлигини ошириш” деб номланган бўлимнинг 113-бандидаги вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 03-01/1-4162-сон маълумотномаси). Бу Республикамиз ёшларининг экологик ҳуқуқий дунёқараши ва маданиятини интенсив ривожлантиришга самарали хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (9 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Диссертациянинг “**Экологик ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг махсус шакли**” деб аталган биринчи бобида мазкур феномен шаклланишига оид ҳуқуқий-назарий, ижтимоий-фалсафий, илмий концепциялар таҳлили амалга оширилган, мазмун-моҳияти, макон ва замонда намоён бўлиш хусусиятлари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини, функционал аҳамиятини аниқлаш, уларнинг назарий-концептуал асослари, биринчи навбатда, илмийлигига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, экологик ҳуқуқий онг феномени шаклланиш, ривожланиш қонуниятларини илмий-назарий, фалсафий асослаш, унинг жамият тараққиётидаги ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, экологик ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий онг шакллари ролини ўрганиш, унинг комплекс-системали хусусиятлари ҳақида илмий тасаввурларни беради. Экологик ҳуқуқий онгнинг шаклланиш мотивлари ва ҳаракатлантирувчи механизмлари ривожланиш тенденциялари ҳақидаги муқобил илмий таълимотлар, жамият тараққиётини: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг усул-воситаларини аниқлашда муҳим илмий асос ҳисобланади.

Диссертацияда экологик ҳуқуқий онгга қуйидагича умумлашма берилган: экологик ҳуқуқий онг ўзида экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисидаги экологик-ҳуқуқий қарашлар, ғоялар ва тасаввурларни, жамиятнинг табиатга нисбатан таъсирининг шакл ва услублари ҳамда ҳуқуқий муҳофазанинг объекти сифатида табиатнинг ўзига бўлган муносабатларни тартибга солувчи амалдаги экологик-ҳуқуқий нормаларга нисбатан баҳоси, ҳуқуқий билимлари, қарашлари, ғоялари ва хоҳиш-истаклари тизимини намоён этади.

Экологик ҳуқуқий онгни ўрганиш жараёнида унинг қуйидаги жиҳатларини аниқлаш имконини берди:

– экологик муаммоларга нисбатан индивидуал ёки умумижтимоий нуқтаи назардан муносабат билдириш;

– жорий экологик қонунчилик ва турли хил ижтимоий институтлар ҳамда давлат органларининг атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашувидаги ёки аксинча, бу борадаги муаммоларнинг ҳал этилишидаги ўрни ва аҳамиятини англаш;

– инсоннинг шахсан ўзи ёки умумжамият миқёсидаги иштироки билан мавжуд экологик вазиятни ўзгартиришга тайёрлиги ва бошқалар.

Диссертацияда экологик ҳуқуқий онг тушунчасининг таркибида ўзининг характерига ва борлиқни қанчалик чуқурроқ ифода этишига қараб, одатий, илмий ва касбий экологик ҳуқуқий онг турлари мавжудлигини кўрсатади: одатий экологик ҳуқуқий онг ўзида жамият ва табиат алоқадорлигига оид ҳуқуқий борлиқни инсон онгида бевосита акс этишини намоён этади. Илмий экологик ҳуқуқий онг бутун жамият ва табиат уйғунлиги, экология соҳасидаги юридик амалиёт ва фаолият, экологик ҳуқуқий тарбия, экологик ҳуқуқий сиёсатнинг шаклланиши ва ривожланишида йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Экологик касбий ҳуқуқий онг соҳибларининг экологик ҳуқуққа ва бу борадаги қонунчиликка оид билимлари, қарашлари, ички ишончлари, ҳуқуқий билим ва иш тажрибалари бевосита касбий фаолиятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёнида унинг индивидуал, ижтимоий гуруҳлар ва жамият (оммавий) экологик ҳуқуқий онги каби субъектив жиҳатлари таҳлил қилинар экан, улар ўртасидаги фарқлар бевосита унинг мазмуни ва функцияларида намоён бўлади. Шу жиҳатдан олганда, экологик ҳуқуқий онгнинг аҳамиятини чуқур англаш учун унинг функциялари мазмунига эътибор қаратилган. Экологик ҳуқуқий онг функциялари – бу ҳуқуқий онгнинг “табиат-жамият-инсон” тизимида инсон хулқ-атворини белгилашдаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда шаклланадиган инсонларнинг экологик ҳуқуққа нисбатан фаолияти ва муносабати, ҳуқуқий онгнинг ижтимоий ва табиий борлиққа бўлган таъсирининг асосий ва бош йўналишларидир.

Экологик ҳуқуқий онгнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган биринчи боб хулосалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, экологик ҳуқуқий онг феномени ва унинг таркибий тузилиши бўйича илгари сурилган ёндашувлар танқидий нуқтаи назардан ўрганилди ҳамда уларнинг умумий ва ўзига хос томонлари ижтимоий фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тегишли таъриф ва тушунчалар ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, муайян табиий объектни ёки ҳодисани экологик ҳуқуқий онг нуқтаи назардан тўғри англаш, ўз навбатида, табиатда рўй бераётган ўзгаришларнинг нафақат яқин келажакдаги, балки келгусидаги оқибатларини кўра олиш қобилиятини назарда тутади.

Учинчидан, экологик ҳуқуқий онг муайян тузилишга эга бўлиб, унинг таркибий бўғинларини ўрганиш, ўз навбатида, мазкур ижтимоий-сиёсий ҳодисани тавсифловчи барча хусусиятларни таҳлил этиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, экологик ҳуқуқий муносабатларни умуммажбурий характерга эга бўлган ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш зарурати

бўлган қарашлар, ғоялар, ҳиссиётлар экологик ҳуқуқий онгнинг тузилишини ташкил этади.

Тўртинчидан, экологик ҳуқуқий онг тушунчасига нисбатан гносеологик ёндашув ҳам, ўз навбатида, унинг таркибида ўзининг характериға ва борлиқни қанчалик чуқурроқ ифода этишиға қараб, одатий, илмий ва касбий экологик ҳуқуқий онг турлари мавжудлигини кўрсатади.

Бешинчидан, ижтимоий онгнинг барча шакллари каби экологик ҳуқуқий онгнинг субъектларига кўра индивидуал, ижтимоий гуруҳлар ва жамият (оммавий) экологик ҳуқуқий онглардан ташкил топган бўлади, улар ўртасидаги фарқ эса экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш шароитлари, мазмуни ва функцияларида намоён бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ёшларда экологик ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг назарий-ҳуқуқий механизмлари**” деб номланган бўлиб, тадқиқотнинг ушбу қисмида жамиятда ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш доимо амалий характерға эға бўлган вазифалар, яъни бу борадаги фаолиятни амалға ошириш учун зарур усул ва воситаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Айниқса, бунда экологик ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим муҳим аҳамият касб этади. Мазкур усул ва воситаларнинг биргалиқда қўлланилиши фуқароларда экологик ҳуқуқий онг ва маданиятнинг зарур даражасининг шаклланишиға шароит яратади. Албатта, юқорида қайд этиб ўтилган усул ва воситаларнинг мазмуни ва моҳияти, уларни қўллаш тартиблари ҳамда механизмлари муайян давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Айни вақтда, экологик муаммолар тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда фуқароларнинг экологик онг ва маданиятини юксалтириш масаласи борган сари долзарблашиб бормоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида, “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур”¹, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бугунги экологик вазият жамият олдиға экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда табиат-жамият уйғунлигида барқарорликка эришиш нуктаи назаридан танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни ва шу асосда ҳозирги ҳамда келажак авлодлар яшаши учун қулай экологик вазиятни вужудға келтириш вазифасини қўймоқда. Бу вазифани амалға оширишда аввало, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш борасидаги механизмни такомиллаштириш ва уни амалға ошириш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Шу жиҳатдан олганда, мазкур механизмнинг таркибий бўғинлари ҳисобланган экологик ҳуқуқий тарғибот, экологик ҳуқуқий таълим ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроҳисси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2017 йил 12 июль. <http://uza.uz>

экологик ҳуқуқий тарбия воситалари орқали бугунги ижтимоий воқеликнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертацияда таъкидланганидек, ижтимоий-ташкилий нуқтаи назардан қараганда, экологик ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим ўзида ҳуқуқнинг барча соҳаларидаги экологик аҳамиятга эга бўлган нормаларни ва уларни қўллаш кўникмаларини англаш, тушуниш, ўзлаштириш ва айнан тасаввур этишнинг махсус жараёнини намоён этади. Ушбу жараённинг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этишда, энг аввало, унинг таркибий қисмларини (экологик ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим) алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Диссертацияда келтирилган экологик жамоат ташкилотларининг фуқаролар, хусусан ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга оид фаолиятларини тадқиқ этиш ҳамда шу асосда тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий-назарий ва ижтимоий-амалий аҳамиятга эга масалалардан бири сифатида таҳлил қилинади. Бугунги кунда фаолият юритаётган экологик жамоат ташкилотларини қуйидаги бир қатор мезонлар бўйича таснифлаш мумкин: жамоат ташкилоти аъзоларининг сони жиҳатидан – кичик ва йирик; ҳудудий доирасига кўра – мамлакат доирасидаги ёки маҳаллий миқёсдаги; ҳал қиладиган экологик муаммолар даражасига кўра – глобал ёки локал муаммолар билан шуғулланувчи; фаолият йўналишига кўра – тор доирада ва комплекс масалаларни қамраб олувчи экологик жамоат ташкилотлари.

Диссертацияда табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ёшларга экология соҳасига оид ҳуқуқий ахборотларни етказиш ва шу орқали уларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритиб ўтилади.

Экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш механизмлари билан боғлиқ бўлган иккинчи боб хулосалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, экологик ҳуқуқий онгининг шаклланиш жараёни қуйидаги учта усул ва воситалар, яъни *экологик ҳуқуқий тарғибот*, *экологик ҳуқуқий тарбия* ва *экологик ҳуқуқий таълим* ёрдамида амалга оширилиши таъкидланди ва ушбу усулларнинг мазмун ҳамда моҳияти юзасидан илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар илгари сурилди.

Иккинчидан, таълим муассасаларида ёшларнинг табиатни муҳофаза қилиш ишларидаги ташаббускорлигини ошириш ва фаол ҳаётий нуқтаи назарларини шакллантириш ҳамда шу орқали уларнинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш юзасидан аниқ вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган экологик жамоат ташкилотларининг асосий ижтимоий функцияларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, экологик жамоат ташкилотларини мазкур функциясининг мазмуни, уни амалга ошириш шакллари, ижтимоий роли ва вазифаси тўғрисидаги асосий тушунчаларсиз бундай муҳим ва долзарб вазифани ҳал этиб

бўлмаслигини қайд этиш лозим. Бинобарин, жамоат ташкилотларининг фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга оид фаолиятларини тадқиқ этиш ҳамда шу асосда тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий-назарий ва ижтимоий-амалий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан, экологик ҳуқуқий онгни шакллантиришда фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан бири – бу ҳар бир кишининг ўзи яшаб турган муҳит (ҳудуд)нинг ҳамда унда жойлашган “экологик хавфли” объектлар (корхона, тўғон, сув омбори, дарё ва ҳ.к.)нинг соғлиқ ва ҳаёт учун бехатарлиги, агар ушбу объектларда бирор-бир ҳалокат юз бергудек бўлса, талафотларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар олдиндан ўйлаб қўйилганлигидан хабардор бўлишидир.

Бешинчидан, иқтисодий муносабатларнинг доимий тарзда ривожланиб бориши ва бунинг оқибатида табиий атроф-муҳитга муайян даражада зарарли таъсирнинг ошиши, ўз навбатида, фуқароларнинг экологияга оид билимларини янада кенгайтириш лозимлигини тақозо этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда ёшлар экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш вазифалари ва истиқболлари”** деб номланган бўлиб, унда ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий-фалсафий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари ҳамда устувор стратегик йўналишлари атрофлича ёритилган.

Бугунги кунда аҳолига чуқур экологик ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, экологик таълим, тарғибот ва тарбия тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш асносида экологик ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилмоқда. Шу боис, бугунги кунда жамиятнинг ҳуқуқий онгини, шу жумладан, экологик ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий-ҳуқуқий, ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Диссертацияда мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг таҳлили асосида табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаш ҳамда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш каби масалалар муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, диссертацияда **“Шахс экологик ҳуқуқий онгини ривожлантириш”** Миллий дастурини қабул қилиш зарурияти ва ушбу дастурда экологик ҳуқуқий онгни шакллантириш восита ва усулларининг (экологик тарғибот, тарбия ва таълим) мазмуни, уларни амалга ошириш мақсади, вазифалари ҳамда ташкилий – ҳуқуқий механизмларининг моҳиятини белгилаб берувчи нормалар ўз ифодасини топиши лозим бўлган масалалар ўз ифодасини топган. Ўз навбатида, бундай ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этилишига

муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, экологик хавфсизликни ҳуқуқий воситалар билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган фаолият қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим, деб ҳисобланади:

- табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш;
- экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган вазифаларни ҳал этишга давлат экологик сиёсатининг таркибий қисми сифатида қараш;
- экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёнида табиий шарт-шароитлар ва ресурслар, экологик вазият, демографик ҳолат, аҳолининг тарихий-маданий ва диний анъаналари, урф-одатлари, ҳаёт сифати, интеллектуал ва маънавий ҳолати, давлатнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги сиёсатининг асосий қоидалари кабиларни эътиборга олиш;
- “шахс-жамият-табиат” тизимида фуқароларнинг қулай табиий атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари устуворлигидан келиб чиқиш;
- экологик таълим, тарғибот ва тарбия фаолиятини табиатни муҳофаза қилиш муммоларини ҳал этиш амалиёти билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш;
- аҳолига табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш кўникмаларини сингдириш;
- экологик ахборотнинг аҳоли учун очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш;
- тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларини экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш;
- экологик таълим ва тарғибот соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириш;
- экологик ҳуқуқий тартиботни қарор топтириш ва бу борадаги ҳуқуқ-бузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва бошқалар.

Шу жиҳатдан ёндашилганда, “Ўзбекистонда ёшлар экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш вазифалари ва истиқболлари” деб номланган учинчи боб бўйича қуйидагича хулосаларни баён қилиш мумкин:

Биринчидан, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш ва юксалтириш жараёнининг ташкилий-техник, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан мавжуд айрим муаммовий масалаларни ва уларнинг ечимларини кўриб чиқиш.

Иккинчидан, давлат, жамият ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик механизмининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, экологик ҳуқуқий онгини шаклланишига ва “табиат-жамият-инсон” тизими барқарорлигини таъминланишига имконият яратади;

Учинчидан, фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш

соҳасидаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида “Шахс экологик ҳуқуқий онгини ривожлантириш” Миллий дастурини қабул қилиш.

Тўртинчидан, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш бир нечта тамойиллар (манфаатларни ҳисобга олиш, давлатнинг экологик сиёсати, устуворлик, кўникмаларни сингдириш, ахборотнинг ошкоралиги, илғор тажрибаларни ўзлаштириш, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ва ҳ.к.)га таянган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади;

Бешинчидан, экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнларини уйғунлаштириш масаласи муҳим ҳисобланиб, ҳар бир фуқаронинг табиий-атроф муҳитга, соҳага оид қонунчиликка бўлган муносабатининг тўғри шаклланишига олиб келади.

Ўз навбатида, юқоридаги йўналишлар бўйича тадбирларни амалга ошириш давлатнинг аҳоли экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги сиёсатини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Амалга оширилган таҳлиллар ва кузатув натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Экологик ҳуқуқий онг феноменининг шаклланиш, ривожланиш қонуниятларини илмий-назарий, фалсафий асослаш унинг жамият тараққиётидаги ролини кучайтириш имкониятидир. Айниқса, экологик ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий онг шакллари ролини ўрганиш, унинг комплекс-системали илмий тасаввурларидан далолат беради.

2. Экологик ҳуқуқий онгининг *одатий, илмий ва касбий* турларга ажратиб ўрганилиши, ўз навбатида унинг ўз характери ва борлиқдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш имконини беради.

3. Экологик ҳуқуқий онгини ривожлантиришда республика аҳолисининг турли ижтимоий қатламларига дифференциал ёндашув ва унга адекват (мос) усул-воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда уни тўғри қўллаш орқали экологик муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

4. Экологик ҳуқуқий онгининг шаклланиш жараёни қуйидаги учта усул ва воситалар, яъни *экологик ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим* ёрдамида амалга оширилади ҳамда мазкур усул-воситаларнинг биргаликда қўлланилиши фуқароларда экологик ҳуқуқий онг ва маданиятнинг зарур даражаси шаклланишига шароит яратади.

5. Фуқаролар, айниқса ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг экологик функцияси муҳим бўлиб, бугунги кунда стратегик нуқтаи назардан ижтимоий-амалий аҳамият касб этади.

6. Экологик ҳуқуқий билимларни фуқароларга, айниқса, ёшларга трансформациялаш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Чунки, экологик ҳуқуқий онг, билим ва кўникмаларга эга бўлмаган ҳамда “консюмеризм” дунёқарашларида фаолият кўрсатаётган кишиларни экологик

тарбиялаш ва уларнинг бу борадаги кўникмаларини шаклланишида асос бўлади.

7. Республикамиз қонунчилигида “Шахс экологик ҳуқуқий онгини ривожлантириш” Миллий дастурининг қабул қилиниши фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш борасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

8. Экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнларини уйғунлаштириш масаласи муҳим ҳисобланиб, ҳар бир фуқаронинг табиий-атроф муҳитга, соҳага оид қонунчиликка бўлган муносабатининг тўғри шаклланишига ва ривожланишига олиб келади.

Ёшлар экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини фалсафий-методологик таҳлил этиш натижасида қуйидаги илмий-методологик таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ топилди:

антиэкологик ҳаракатларни чегаралаш, таъқиқлаш ва жазолаш ҳамда экологик фаолиятни рағбатлантириш нормативларини ишлаб чиқиш;

таълим-тарбия тизимини унификациялаш ва интеграциялаштиришга доир назарий, амалий ва методологик жиҳатларини уйғунлаштириш;

экологик таълим-тарбияда миллий педагогиканинг халқ анъаналари, тарихий мероси ва диний экологик қадриятларидан самарали фойдаланиш;

ёшлар ўртасида уларнинг синфи, ёши, психологиясига мос экологик ўйинлар, танловлар, мусобақалар ўтказиш (Сиз экологияни биласизми? – викторина ва КВНлар);

табиат қўйнига экологик экскурсиялар уюштириш ва унда табиат ҳақидаги экологик билимларни ошириш;

мактаблар қошида мини экологик лабораториялар (мунтазам равишда ҳар кунлик: атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимликлар устида кузатишлар олиб бориш ва натижаларини таҳлил қилиш учун илмий-амалий марказлар) ташкил қилиш (грантлар, хомийлар ҳисобидан);

табиатни асраб-авайлаш ҳақидаги халқ эртаклари, афсона, мақолалар ва ривоятларни тўплаш ҳамда нашр қилиш, шунингдек китоб мутолааси бўйича мусобақа ва танловларни ташкил этиш ишларини ривожлантириш;

экологик фан тўғарақларини ташкил қилиш;

экологик таълим-тарбияда рекламалардан кенг фойдаланиш;

табиий ландшафтларни сақлашнинг экологик масалаларини ёшларга тушунтириш;

ҳудуддаги саноат корхоналарининг атроф-муҳитга таъсир имкониятларини аниқлаш;

ҳудуддаги саноат ва маиший чиқиндиларнинг таркибини аниқлаш ва уларни утилизация қилиш технологияси ҳақида маълумотлар бериш;

экологик таълим соҳасида ягона концепция ва стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва маслаҳат марказларини янада кенгайтириш;

Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда мобиль алоқа компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш

(жумладан, ҳар куни қўл телефонларига табиий атроф-муҳитни асраш бўйича қисқа, аммо таъсирчан маълумотларни бериб бориш).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДЖУРАКУЛОВ ХУСАН АНВАРОВИЧ

**ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ПРАВОВОГО
СОЗНАНИЯ МОЛОДЕЖИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.3PhD/Fal109

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета (www.samdu.uz) а также в информационно-ресурсный портал “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Яхшиликков Журабой Яхшиликovich доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ходжиева Максуда Султановна доктор философских наук, профессор Хукумов Абдухалим кандидант философских наук, доцент
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ____ часов « ____ » _____ 2018 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2018г.
(Протокол № ____ от « ____ » _____ 2018г.)

Б.О.Тураев

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

А.Р.Самадов

Ученый секретарь научного совета, по
присуждению ученых степеней,
кандидат философских наук, доцент

Ш.С.Кушаков

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из наиболее важных и приоритетных направлений решения глобальных экологических проблем и достижения стабильности в системе «природа-общество-человек» сегодня является формирование экологической осведомленности молодежи. Поскольку, сегодняшняя молодежь мира составляет свыше 2 миллиарда человек, и необходимо систематически повышать их правовую, особенно, экологическую осведомленность, за это отвечают соответствующие общественно-политические институты, постоянное совершенствование деятельности которых – это требование сегодняшнего дня.

Нынешнее экологическое состояние мира в рамках современной науки требует от молодежи разработки экологического права и совершенствования существующих в этой области теоретических, практических и методологических их основ. В частности, в целях удовлетворения потребностей общества в природных ресурсах, в условиях увеличения утилитарных потребностей, усиления антропогенного давления на природу, ухудшения международных экологических политических отношений, в сознании некоторых граждан формирования нигилистического настроения по отношению к природе, проблему обеспечения глобальной экологической безопасности в системе общественного сознания невозможно разрешить вне отрыва от формирования экологической правового сознания самой молодежи.

Одной из важнейших задач на сегодняшнем этапе развития Республики Узбекистан является сохранение стабильной экологической ситуации и обеспечения развития правового сознания как главного субъективного фактора при рациональном использовании природных ресурсов, а также «улучшение экологической ситуации»¹. Поэтому улучшение ситуации в области экологического образования, пропаганды в этом направлении в Республике Узбекистан является одной из наиболее актуальных задач дня, и объективная необходимость при этом заключается в дальнейшем совершенствовании научных и теоретических основ и методов формирования экологического правового сознание молодёжи.

Настоящая диссертация в определенной степени будет способствовать реализации пункта 5.1 пятой главы Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы (предотвращение экологических проблем, наносящих ущерб генофонду населения) Указа Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года, а также Указа от 21 апреля 2017 года ПФ-5024 «Об улучшении системы государственного управления в области экологии и охраны окружающей среды», предложение Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева от 10 июня 2018 года об усилении сотрудничества в

¹ См.: Мирзиёев Ш.М. Танкидий тахлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир рахбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 20-21.

разработке и принятии «Международной конвенции ООН о правах молодёжи», высказанной в выступлении на расширенном заседании Совета глав государств-членов ШОС и других связанных с этим нормативно-правовых актов.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень разработанности проблемы.

Исследование процессов обеспечения экологической безопасности, формирования экологического правового сознания населения, особенно, молодежи, имеет важное научно-практическое значение. В настоящее время некоторые аспекты теоретических правовых проблем повышения правового сознания, в частности, экологического правового сознания изучались такими учеными-правоведами, как Г.З.Абдуллаева, З.М.Исламов, М.К.Наджимов, Н.Сабуров, Ж.Т.Холмуминов и другие; экологическая активность, экологическое сознание, экологический контроль, экологическая культура и психологические особенности их формирования, а также педагогические основы формирования экологической культуры и экологического сознания были исследованы такими экологами и педагогами, как Ш.К.Абдукасимов¹, А.А.Ахмедов, Н.Ш.Бозорова, С.Мамашокиров, С.С.Сангинов, А.Хукумов и другие. Вместе с тем, Экологическим движением Узбекистана и Государственным комитетом по экологии и охране окружающей среды постоянно организуются научно-практические семинары по актуальным проблемам обеспечения экологической стабильности, процессов формирования экологического правового сознания и культуры граждан.

Вопросы экологической стабильности, формирования экологического сознания, правовых основ экологии, охраны окружающей среды, экологической правовой законности всесторонне изучены такими зарубежными учеными как У.О.Дуглас, А.Печчеи, Ж.Б.Рул, Д.Форрестер и другие.

Проблемы, связанные с формированием экологического правового сознания изучаются также и исследователями СНГ. В их числе можно указать на таких ученых, как И.Л.Вершок², Н.А.Джобава, В.В.Дудоров, Н.А.Шеяфетдинова, Е.А.Шишкина и другие.

Вышеприведенные исследователи не изучали экологическое правовое сознание как специальный объект исследования, а, наоборот, подходили к нему фрагментарно. Исходя из этого, в данной исследовательской работе с социально-философской точки зрения всесторонне исследованы проблемы,

¹ Абдукасимов Ш.К. Формирование экологического сознания студенческой молодежи Узбекистана в условиях независимости. Автореф. дис. ... канд. филос. наук. –Т.:1997, Д.4311/1997.

² Вершок И. Л. Теоретические проблемы формирования экологического правосознания.: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Минск, 2004. – 20 с.

связанные с формированием и повышением экологического правового сознания.

Связь темы диссертации с планами научных исследований высшего образовательного учреждения. Диссертация выполнена в рамках научно-исследовательских работ Самаркандского государственного университета на тему “Программа комплексных мер, направленных на развитие научно-исследовательской деятельности и повышение научного потенциала”, рассчитанную на 2016-2020 гг.

Целью исследования является исследование философско-теоретических проблем формирования экологического правового сознания молодежи.

Задачи исследования:

- показать место и специфические особенности экологического правового сознания в качестве формы общественного сознания;
- выявить состав и структуру экологического правового сознания и выработать авторские заключения по содержанию и сущности его функций в решении проблем экологической безопасности;
- раскрыть методологические принципы современных методов и средств формирования экологического правового сознания;
- показать место и значение экологической правовой информации в формировании экологического правового сознания;
